O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 31 май, № 103 (3902) Чоршанба

ТУЯМЎЙИН ЧИРОҚЛАРИ

Бухорои шарифдан шимолга йўл олган сайёҳнинг кўзи дашту саҳролардан сўнг, энг аввало, Туямўйин чироқларига тушади. Бу чироқлар сайёҳ учун ҳам, шу воҳа инсонлари учун ҳам нажот ва ҳаёт машъаласидир. Амударёнинг қуйи оқимида Хоразм воҳасини оби-ҳаёт билан таъминловчи Туямўйин гидроузелини ана шундай деб аташ мумкин. Ҳазорасп туманидаги Питнак қишлоғида барпо этилган бу улкан гидроиншоот 150 минг киловатт-соат энергия берадиган 6 та агрегат ҳамда «Султон — Санжар» сув ҳавзасидан иборат. Унинг бунёд этилиши натижасида Амударё соҳилида Питнак шаҳарчаси пайдо бўлди. Мазкур шаҳарча эса истиқлол йилларида янада кўркамлашди — янги кўп қаватли бинолар, кўчалар, маданий-маиший объектлар, мактаблар, болалар боғчалари қурилди.

Туямўйин сув иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси бу ерда сувни тежабтергаб тақсимлаш ишлари билан шуғулланади. Корхона жамоасининг самарали хизматлари туфайли Туямўйин тўғони, гидроэлектростанция ва сув омбори бир меъёрда ишлаб турибди. Бош тўғондан ўтган сув гидротехник иншоотлар ва каналлар орқали Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини суғоради.

***СУРАТЛАРДА:** Хоразм вилоятидаги Туямўйин гидроузели тўғонининг кўриниши; сув тақсимлаш пульти.*

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни ҳамда касаначиликни кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу аҳоли даромадларининг, иш билан таъминланиш даражасининг ўсишида муҳим омил бўлмоқда.

Фармон ва ижро

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида тадбиркорликнинг мазкур йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўриш, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг кўламда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Мазкур вазифани амалга оширишда унинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банкнинг ташкил қилиниши муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижроси юзасидан шу йилнинг 6 майида қабул қилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан микрокредит ва микролизингга оид хизматни амалга оширувчи янги банк ташкил этилди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Жамшид САЙФИДДИНОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ана шу янги молия муассасасининг мақсад ва вазифалари хусусида бўлди.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу банк асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратишга, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар берилишига хизмат қилади, — деди Ж.Сайфиддинов. — Янги ташкил этилаётган банк олдига бу мақсаднинг қўйилиши бежиз эмас. Чунки бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам салмоқли ўрин тутади.

Мазкур банкнинг асосий вазифаларидан бири микрокредит ва микролизинг бериш бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда дунёдаги етакчи халқаро молия ташкилотлари асосий эътиборини ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда кичик бизнеснинг равнақ топиши учун микрокредит ажратишга қаратмоқда. Шу боис мамлакатимизда «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилиши кўплаб халқаро молия ташкилотларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мазкур молия муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларнинг ресурсларини мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб этиш имкониятини янада оширади.

Бундан ташқари, банкимиз томонидан қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берилади. Ниятимиз яқин келажакда юртимизнинг барча туманларида, ҳатто чекка қишлоқларида ҳам замон талабига жавоб берадиган филиаллар ва мини банклар очишга эришиқдир.

— «Микрокредитбанк»нинг иш бошлаши тадбиркорларга қандай имкониятлар яратади?

— Банкимиз томонидан янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари, микрофирма ва деҳқон хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликларига бошланғич сармоя ажратилади ва уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади. Ўз бизнесини ривожлантиришда айланма маблағ етишмовчилигини сезаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам микрокредит олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур банк мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйишига ёрдам беради. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг молиявий ресурслардан янада кенг фойдаланиш имконияти таъминланади ва кенгаяди.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

Бўш келманг, ҳамюртлар!

Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида саккизинчи тур ўйинлари ҳам ортда қолди.

Турдан-турга мусобақалар мураккаблашиб бормоқда. Чунки нуфузли турнирнинг барча иштирокчилари ўз юртларига совринли ўринларни олиб қайтишни исташади. Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси саккизинчи турда анча тажрибали гроссмейстерларига эга бўлган Грузия вакилларига қарши дона сурди. Биринчи доскада ўйнаган Рустам Қосимжонов Жобава Баадур билан дуранг натижага эришди. Темур Гареев Левон Пантсулавани мағлубиятга учратди. Антон Филиппов Мераб Гагуашивилига, Сергей Қаюмов эса Давид Арутинянга имкониятни бой бериб қўйди. Умумий натижа 2,5 :1,5 ҳисобида грузиялик шахматчилар фойдасига ҳал бўлди. Саккизинчи турдан сўнг ҳамюртларимиз 20,5 очко билан кучли ўнликдан жой олишган. Биринчи ўринда бораётган Арманистон жамоаси 24 очко жамғарган. Россия ва Украина шахматчилари 22 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринни банд этиб туришибди. Кеча эркаклар терма жамоамиз тўққизинчи турда Ҳиндистон шахматчилари билан куч синашдилар.

Аёллар терма жамоамиз саккизинчи турда литвалик дугоналарига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Улар тўққизинчи турда Перу жамоасига қарши дона суришди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Навоий шаҳридаги "Сўғдиёна" стадионида "Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда" мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда ўқувчи ва талаба ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган рус, қозоқ, қорақалпоқ, украин, яҳудий, татар ва корейс миллий маданият марказлари бадиий жамоалари томонидан тайёрланган катта концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинатининг "Фарҳод" маданият саройи ҳамда "Наво" ансамблларининг куй-қўшиқлари ҳам барчага манзур бўлди. Мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда вилоят шарафини ҳимоя қилаётган ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Форумда турли миллат вакилларининг мамлакатимизда бир оила фарзандларидек аҳил яшаётгани, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида бунёдкорлик меҳнати билан бандлиги, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик энг катта бойлигимиз экани яна бир бор намоён бўлди.

Дўстлик форумида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

Болажонларга аталган тадбир

Пойтахтимиздаги энг серфайз ва гўзал дам олиш масканларидан бири — Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб агросаноат мажмуида хизмат қилаётган меҳнаткашлар, уларнинг фарзандлари учун маданий спорт байрами ва халқ сайли ташкил қилинди.

Анжуман

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, пойтахт ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ҳамкорликда ташкил этган ушбу байрам қатнашчилари спортнинг дартс, тош кўтариш, арқон тортиш, азиз болажонлар эса шашка, қувноқ стартлар бўйича беллашдилар.

Байрам иштирокчилари спортдаги салоҳиятлари билан бирга, бадиий ҳаваскорлик борасидаги истеъдодларини ҳам намойиш этишди. Қўшиқ айтиш, рақсга тушиш ва шеър ўқиш каби йўналишларда ўтказилган кўрик-танловлар ҳам тўпланганларга яхши кайфият бағишлади.

Шунингдек, ушбу тадбирда «Наврўзи олам» умумхалқ байрами муносабати билан спортнинг саккиз тури бўйича ўтказилган спартакиада ғолиблари ва совриндорларига Фахрий ёрлиқлар, спорт анжомлари ва қимматбаҳо совғалар топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида "Ахборот технологиялари соҳасидаги интеллектуал мулк ҳимояси " мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қатор давлат муассасалари, халқаро ташкилотлардан вакиллар, шунингдек, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Давлат патент идораси, Ахборот технологиялари компаниялари уюшмаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси мамлакатимизда доимий эътиборда эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

2004 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинди. 2005 йилнинг 19 апрелидан эса мамлакатимизда мазкур Конвенция талаблари кучга кирди. Бу халқаро ҳужжатга қўшилган мамлакат ўз ҳудудида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар қонун йўли билан ҳимоя қилинишини таъминламоғи лозим.

Семинарда Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳимояси соҳасидаги миллий қонунчилиги, бу йўналишда мамлакатимиз халқаро битимларга қўшилишининг пировард натижалари, ахборот технологиялари соҳасида интеллектуал мулк тизими ва дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар фаолиятидаги ўзгаришлар, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммолари, савдо белгиларни ва патентлаш жараёнига оид масалалар ҳам муҳокама этилди.

(ЎзА).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ишончли ғалаба

Якшанба куни Колумбияда ўтказилган президентлик сайловлари якунлари эълон қилинди. Унга кўра, мамлакатнинг амалдаги президенти Альваро Урибе 62 фоиз овоз олиб, қайта сайланди. Сайловчилар шу тариқа унинг жангариларга қарши олиб бораётган қатъий сиёсатини қўллаб-қувватлади, деб хабар беради BBC News. Урибенинг асосий рақиби саналган Карлос Гавирия сайловчиларнинг 22 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

Тартиб ўрнатилди

Душанба куни Афғонистонда америкалик ҳарбийлар айби билан юз берган автоҳалокат оқибатида 5 нафар афғон фуқароси ҳалок бўлди. Шундан сўнг Кобул шаҳрида оммавий тартибсизликлар бошланиб кетди. Аҳоли ҳарбийларнинг машиналарига тошлар улоқтира бошлади ва баъзи гувоҳларнинг айтишича, ҳарбийлар уларга қарата ўт очган. Бир неча соат ичида вазият умуман назоратдан чиқиб, хорижий ҳарбийларга қарши кучли норозилик ҳаракатига айланди, деб ёзади La Republica газетаси. Кўплаб халқаро ташкилотлар, элчихоналар биносига шикаст етказилди. Ниҳоят, кеча шаҳарда комендантлик соати жорий этилгач, Афғонистон хавфсизлик кучлари тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлдилар.

«Интерфакс» агентлигининг расмийлар берган маълумотларга таяниб тарқатган хабарида айтилишича, оммавий тартибсизликлар натижасида 15 киши ҳалок бўлган ва 100 нафар одам оғир жароҳат олган.

Янги авиарейс

Андижонни Россия Федерациясининг пойтахти билан боғловчи тўғридан-тўғри авиарейс очилди. Ҳозирги пайтда Андижондан Москвага оралиқ тўхташ билан ҳафтада бир марта рейс амалга оширилмоқда, деб хабар беради ЎзА мухбири С. Шукуров.

Янги авиарейс амалдагидан фарқли равишда тўғридан-тўғри бўлади. "Москва — Андижон — Москва" йўналиши бўйича мунтазам учишларни Россиянинг "Московия" авиакомпанияси ташкил этди.

— Андижондан Москвага биринчи парвоз 5 июнь куни амалга оширилади, — дейди компания диспетчери Алла Урманова. — Авиакасса очилган заҳоти 25 та чипта расмийлаштирилди, бу эса хизматларимизга талаб борлигидан далолат беради. Рейслар Ту-154М самолётларида бажарилади. Дарвоқе, мана, бир йилдирки, авиакомпаниямиз Намангандан Москвага учишларни ташкил этмоқда. "Московия", шунингдек, "Бухоро-Москва-Бухоро" рейсига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Энди улар қаторига Андижон ҳам қўшилади.

Маҳбуслар норози

«Associated Press» агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Гуантанамодаги базасида очлик эълон қилган маҳбуслар сони 75 нафарга етди. Маълумотларга кўра, норозиликка шу йил 18 май куни юз берган кўрикчилар ва маҳбуслар ўртасидаги тўқнашувлар сабаб бўлган. Бу воқеада саккиз нафар маҳбус оғир жароҳатланган. Очлик эълон қилиш орқали норозиликлар билдириш ўтган йил августида бошланган бўлиб, маҳбуслар ҳеч қандай айблов эълон қилмай туриб қамоқда сақланаётганига қарши чиқишмоқда. Адвокатларнинг айтишича, 2006 йил бошидан буён улар креслога боғланиб, мажбуран овқатлантирилмоқда.

Ҳозир Гуантанамо базасида тахминан 460 нафар маҳбус сақланмоқда. Уларнинг бор-йўғи 10 нафарига айблов эълон қилинган, дейилади хабарда.

Ҳушхабар

СЕРЕЖАННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Молдова Республикасининг Бэлць шаҳрида эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг "Хрустальный аист" ("Биллур турна") халқаро фестивальтанлови якунланди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан истеъдодли хонандалар иштирок этган тадбирда ҳамюртимиз, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаси Сережан Жанаҳметов иккинчи ўринни қўлга киритди. Шуни ҳам айтиш керакки, С.Жанаҳметов 2005 йили Москвада ўтган эстрада хонандаларининг халқаро танловида ҳам совринли ўринга лойиқ топилган эди.

(ЎзА).

Фуқаролар йиғинларида сайлов

БИЗГА ШУНДАЙ ОҚСОҚОЛ КЕРАК

«Маҳалланинг оқсоқоли маҳаллани ўйласа қанийди!.. Ўзини ўйлайди. Раҳбарларга яхши кўринишни ўйлайди. Маҳалла учун бирор нарса талаб қилса, раҳбарларга ёқмайди. Шу куни бўшатишади...»

Зиёлинамо кийинган ўрта ёшли киши бу гапларни катта даврада айтди. Кўпчилик унинг гапини жим туриб тинглади. Балки эътироз билдиришни ўзига эп билмаётгандир? Мен жим туролмадим:

— Ҳамма оқсоқоллар ҳам ўшанақа эмас. Маҳалла манфаати учун кечакундуз тинмайдиган, ҳатто ҳокимларга қарши борадиганлари ҳам бор.

Ҳамма «Шундай оқсоқол ҳам бормикан?» дегандай савол назари билан қаради. Мен ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бердим.

...Қарши шаҳар ҳокимлигида катта йиғилиш бўлаяпти. Унда қатнашаётган вилоят ҳокими мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни кетаётганлиги, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ваколатлари кенгайиб бораётганлиги, оқсоқоллар ҳокимларнинг ўнг қўли бўлиши кераклиги ҳақида гапирди. Гап айланиб, маҳалладаги муаммолар, оқсоқоллар ҳоким билан кунда-кунора мулоқот қилиб туриши зарурлигига тақалди. Ростда, маҳалладаги муаммоларни ҳеч ким оқсоқолчалик билмайди. Бу муаммоларнинг кўпчилиги ҳокимликнинг аралашувисиз ҳал бўлмайди. Йиғилишда «Хонтепа» маҳалласи фуқаролар йиғининнинг раиси Файзулла Маманов сўзга чиқиб, ҳамманинг кўзини очадиган гапни айтди:

— Бизнинг шаҳар ҳокими билан гаплашиб бўлмайди. Қабулига борсанг, киритмайди. Доим банд бўлар экан. Маҳалладa эса шаҳар раҳбарияти даражасида ҳал бўлиши керак бўлган муаммолар тиқилиб ётибди. Шаҳардаги 62 та маҳаллада аҳвол шундай бўлса, бутун шаҳар муаммога кўмилиб қолмайдими?!

Оқсоқол бу гапни ҳокимнинг юзига қараб туриб айтди. Вилоят ҳокимининг гаплари далда бўлдими, тап тортмади. Электр, газ, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ кўпдан бери ечилмай келаётган муаммоларни санаб ташлади.

Ўшанда кўпчилик «Ҳоким энди Мамановни бир кун ҳам ишлатмайди» деб очиқдан-очиқ айтди. Оқсоқолнинг ўзи ҳам истеъфога чиқишга рози бўлган эди. Лекин маҳалла фаоллари бунга сира рози бўлишмади. Ҳар қанча тазйиқ бўлса чидади, одамларнинг миннатдорчилик сўзлари мадад бўлди. Вилоят ҳокимлиги ҳам унинг маҳалла учун жонкуярлигини, тўғрисўзлигини қўллаб-қувватлади. Бироз вақт ўтгач, маҳаллада эмас, ҳокимликда ўзгариш бўлди.

— Ҳокимнинг кетиши у гапларга боғлиқ эмас, шаҳарнинг ҳудуди катта, қилиш керак бўлган ишлар ҳам шунга яраша, — дейди Файзулла ака камтарлик билан. — Аммо ўша йиғилишдан сўнг маҳалланинг кўп муаммолари ҳал бўлиб кетди. Хонадонлар кўпайиб, 250 киловаттлик трансформатор электр энергияси етказиб беролмай қолган эди, 400 киловаттга кучайтирилди. 3600 метр қувур ётқизилиб, қўшимча газ олиб келинди. Хонадонлар водопроводлаштирилган бўлса-да, ичимлик сувининг шўрланиш даражаси юқори эди, ҳозир маҳалла тўлиқ Шаҳрисабздан келаётган чучук сувни олиб турибди. Буларни вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг ёрдамисиз қилиб бўлмас эди. Энди маҳалламиз маҳаллага ўхшади. Бундай ишлар шаҳардаги бошқа маҳаллаларда ҳам қилинди. Шаҳримизнинг бугунги жамолини ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Қилса бўлар экан-ку!

Яқинда «Хонтепа» маҳалласи фуқаролар йиғинида сайлов бўлди. Раиснинг маърузасида, нотиқларнинг сўзларида «Ютуқлар ўзимизники, муаммоларимиз ҳақида гапирайлик» деган тамойилга амал қилинди. Дарҳақиқат, қилинадиган ишлар кўп экан. Маҳалла фуқароларидан Шоймардон Норов атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, Жалил Жамолов маҳаллада уй-жой қурилиш ширкати тузиш, Муҳаббат Хусанова бозор ва қариялар чойхонаси қуриш масалаларини кўтариб чиқишди. Бу таклифлар ҳаммага маъқул бўлди. Тўлқин Йўлдошев эса гапнинг пўсткалласини айтди-қўйди: «Тўғри, бугунги йиғилишда раисликка учта номзод қўйилган. Суюн Жуманов ва Баҳодир Кенжаев ҳам ўзимизнинг одам, яхши биламиз. Бежиз раисликка номзод қилиб кўрсатилмаган. Лекин раис бўлса Файзулла акадек бўлиши керак. Маҳалладаги ҳамма хонадонга кириб чиқади. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнма-ён.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи раҳбари Алиқул Орзиқулов номзодларни овозга қўйишни бошлади. Файзулла Маманов юз фоиз овоз олди. Ҳатто бошқа даъвогарлар ҳам унинг номзодини ёқлаб чиқишди.

Йиғилиш тугади. Оқсоқол яна икки ярим йил маҳалла манфаати учун хизмат қилишга ваколат олди. Шаҳар раҳбарларидан бири йиғилишда гапни қисқа қилди: «Маҳалла аҳли Файзулла Мамановни фуқаролар йиғини раислигига қайта сайлаб, жуда тўғри иш қилди. Бизга шундай оқсоқоллар керак. Унинг ўзи ҳам тинмайди, бошқаларни ҳам тиндирмайди».

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банкнинг бевосита молиявий мадади туфайли хусусий сектордаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Бу, ўз навбатида, кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошиши ва янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлади.

— Микрокредит бериш ва микролизинг хизмати кўрсатиш тартиби хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Мирокредит ва микролизинг хизмати кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш учун берилади. Микрокредит ва микролизинг хизмати ҳам кредитнинг асосий тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар йилига 5 фоиз ставкада энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга ажратилади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан (ҳозирги кунда 16 фоиз) юқори бўлмаган фоиз ставкасида энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга берилади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоиз ставкада энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ҳамда ривожлантириши учун банкдан илгари олган микрокредитини ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини бизнес-режа асосида вақтида, тўлиқ қайтарилишини таъминлаган ҳамкорларимиз кейинги микрокредит олиш ҳамда банк хизматидан фойдаланишда устун ҳуқуққа эга бўлади, бошқача айтганда, бизнинг ишончли мижозларимиз сафидан жой олади.

— Президентимизнинг Фармонида «Микрокредитбанк» микрокредитларини расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги алоҳида таъкидланган...

— Қарз олувчилар микрокредит олишда атиги учта ҳужжат, яъни микрокредит олиш учун ариза, кредит ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари белгиланган бизнес-режа ҳамда кредитнинг қайтарилишини таъминланиш билан боғлиқ кафолатнома, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқи мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

Шунингдек, микрокредит ва микролизинг ҳужжатларини расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларига енгиллик сифатида гаров, кафолат ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоиз ставкаси бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, қарз олувчилар учун бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган лизинг хизмати турлари ва механизмлари, шунингдек, бизнес-режа тузиш бўйича семинарлар ташкил этилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш банк олдидаги энг масъулиятли вазифалардандир. Ажратилаётган микрокредитнинг ҳар бир сўми банк айланмасидан кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига қайта йўналтирилиб борилиши шарт. Шу сабабли, микрокредит ажратаётган банк ходими ҳам, кредитни олаётганлар ҳам бу талабни тўғри англаб етмоғи лозим.

Аввало, банк ходими мижозга дастлабки мулоқотдаёқ ҳақиқий ҳамкор сифатида тўғри йўлланма бериши, қарз олувчи томонидан тақдим этилган бизнес- режани, молиявий аҳволини тўғри таҳлил қилиши лозим. Қолаверса, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбалари синчиклаб ўрганилади. Микрокредитни қайтара олиш қобилиятига эга мижозгагина маблағ ажратилади. Банкнинг масъул ходими томонидан микрокредит ажратилгандан кейинги жараёнда кредит шартномаси шартларининг бажарилишини, микрокредитдан самарали фойдаланиш, унинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг амалга оширилади.

— Шу кунларда банкда Президент Фармони ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дастлабки босқичда Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб, "Микрокредитбанк"ни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялар олиш учун зарур ҳужжатлар ўрнатилган тартибда Марказий банкка тақдим этилди ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олинди.

Маълумки, ушбу Фармон билан банк бошқаруви кенгаши тасдиқланди. Ушбу кенгашнинг мажлиси ўтказилиб, "Микрокредитбанк" фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида марказий аппаратнинг таркиби тасдиқланди ҳамда банкнинг узоқ муддатга мўлжалланган иш режаси белгилаб олинди.

Ўйлаймизки, ташкил этилган мазкур банк мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ЎзА мухбири
Норали ОЧИЛОВ
суҳбатлашди.

МУЛКДОР ЗАМОНГА БОҚҚАЧ...

Кейинги йилларда мамлакатимизда юзлаб янги корхоналар бунёд этилди, эскилари тўлиқ таъмирланиб, янги технологиялар асосида қайта жиҳозланди. Бугунги кунда улар ўзларининг сифатли, рақобатбардош маҳсулоти билан нафақат ички бозоримизни, балки жаҳон бозорини ҳам забт этишаяпти. Шундай корхоналардан бири — хорижий инвестиция иштирокидаги "Урганч-ёғ" очиқ акциядорлик жамиятидир.

Бу корхона ўзининг ўттиз йиллик тарихига эга. Ана шу муддат мобайнида чигитни тўлиқ қайта ишлаб, истеъмол ёғи, ҳидсизлантирилган ёғ, хўжалик совуни, шрот, шелуха, қадоқланган ёғ каби маҳсулотларни тайёрлаш тўлиқ ўзлаштирилди. 1994 йили эса корхона очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Оқибатда жамоанинг ҳар бир аъзоси мулк эгаси бўлди. Пировардида барча ўзгаришлар, янгиланишлар ана шу даврдан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Чунки ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар технологияни такомиллаштиришдан, хомашёни тежашдан, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, баракали даромад қилишдан манфаатдор бўла бошладилар. Бундай муносабат самарасини эса эришилаётган ютуқлар яққол кўрсатиб турибди.

Ҳозир корхонада 12 та цех мавжуд бўлиб, уларда 925 нафардан ортиқ тажрибали ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Ҳар бир ишчи-хизматчининг ўртача ойлик маоши 80 минг сўмдан ортади.

Ўтган йили аҳолининг пахта ёғига бўлган талаби 11 минг 638 тоннани ташкил этган бўлса, вилоятда ягона ҳисобланган ушбу корхонада 12 минг 969 тонна тозаланган ёғ ишлаб чиқарилди. Биласиз, ўзбекнинг қозони пахта ёғисиз қайнамайди. Демак, эҳтиёж ортиғи билан қондирилди.

Умуман олганда, 2005 йилда корхонада 120564 тонна чигит қайта ишланиб, 18551 тонна тозаланган ёғ, 224 тонна қадоқланган ёғ, 55407 тонна шрот, 36543 тонна шелуха, 62 тонна пиво, 66 тонна алиф ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичлар олдинги йилларгага нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир. Жорий йилда эса жамоа 125 минг тонна чигитни қайта ишлаб, 19385 тонна тозаланган ёғ, 1500 тонна қадоқланган ёғ, 1500 тонна қуйдирилган ёғ, 58750 тонна шрот, 36500 тонна шелуха, 100 тонна пиво, 100 тонна алиф ишлаб чиқармоқчи.

Маҳсулот ишлаб чиқариш муваффақиятнинг биринчи ярми бўлса, унинг иккинчи ярми маҳсулотни сотиш ва экспорт қилишни маркетинг асосида тўғри йўлга қўйишдан иборат. Иш шу асосда олиб борилаётганлиги туфайли корхона маҳсулотлари биржа, савдо шохобчалари, шунингдек, жамоанинг фирма дўконлари орқали ҳамда эркин савдода сотилаяпти. Четга маҳсулот экспорт қилиб, валюта заҳирасини кўпайтиришда ҳам юқори натижаларга эришилмоқда. Ўтган йили меҳнат аҳли 744,32 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни четга юборгани шундан далолат беради.

Корхона маҳсулотларининг харидоргирлиги, албатта, унинг сифатига боғлиқ. Бундан жамоанинг кўнгли тўқ. Фикримизнинг далили сифатида корхона 2003 йилда Париждаги 20-WQC Халқаро конвенциясида "Олтин категорияли сифат юлдузи" халқаро мукофотини қўлга киритганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу мукофот эса, ўз навбатида, унинг халқаро бозорда обрўсини кўтаришга, жамоанинг ўз олдига қўйган улуғ мақсадларини амалга оширишига ишонч уйғотди.

Ислоҳот одимлари

Эътиборлиси, жамият пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари ишини енгиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туманда иккитадан, жами 22 та ўз шохобчасини ташкил этган. Бу корхона дарвозаси олдида навбат кутишларга барҳам берияпти. Сабаби, истеъмолчилар ўзларига керакли маҳсулотни ўша шохобчалардан олмоқдалар.

Ҳозир жамиятнинг 1364 нафар акциядори бор. Корхонанинг мулкдорлари ҳисобланмиш уларга акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар ҳам йилдан-йилга ортиб, даромадигадаромад қўшмоқда.

Хўш, қўлга киритилаётган ана шу ютуқларнинг омиллари нимада?

Авваламбор, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жамоада моддий манфаатдорлик, инсон омили биринчи ўринга қўйилган. Яна бир энг муҳим замин шундаки, 2003 йилнинг ноябрь ойида хорижий инвестиция жорий этилди. Швейцариянинг "Floil Ltd" компанияси корхонанинг 50,2 фоиз акциялар пакетини сотиб олди. Оқибатда ўтган йиллар мобайнида мазкур компания томонидан 1117 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Бу маблағ ҳисобига цехлардаги ўз муддатини ўтаб бўлган технологик линиялар янгиларига алмаштирилди. Янги экстрактракция линияси ишга туширилиб, 5 та пресс, совун цехига 2 та вакуум насоси ўрнатилди. Ўсимлик ёғини 5 литрлик идишларга қуядиган линиялар ҳам ўзлаштирилди. Россия ва бошқа давлатлардан келтирилган ускуналар ва механизмлар ёрдамида корхонани тўлиқ таъмирлаш ишларига эса жами 1150,2 миллион сўм сарфланди.

Ишчи-хизматчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги ҳам ютуқлар гарови бўлмоқда. Мисол учун, ҳар бир ишчига кунига 800 сўмдан овқат пули ва текинга сут берилади. Ходимлар ҳар йили санаторийларда дам олсалар, уларнинг фарзандлари оромгоҳларда бепул соғлиқларини тиклайдилар. Бултур, шунингдек, ишчи-хизматчиларга жами 95,9 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Илғорларга эса 1,4 миллион сўм мукофот тарқатилиб, 9 миллион сўмлик махсус кийимлар олиб берилди. Айни пайтда ёрдамчи хўжаликнинг 49 гектар ерида етиштирилаётган деҳқончилик, 155 бош қорамол ва 200 бош қўйдан олинаётган чорва маҳсулотлари ҳам жамоанинг даромад манбаи ҳисобланади.

"Даромадга яраша буромад", дейдилар. Жамоанинг ҳалол меҳнати эвазига келган маблағларнинг бир қисми саховат ишларига ҳам сарфланаяпти. Хусусан, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида спортни ривожлантириш учун 40 миллион сўм, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 38,1 миллион сўм ва ишчиларнинг оилаларига байрамларда 100 миллион сўм моддий ёрдам сифатида, ойлик маошларини ошириш учун 100 миллион сўм, ишчиларга иссиқ овқат учун 122 миллион сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Айни чоғда шаҳардаги кам таъминланган оилаларга ҳам 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Шу кеча-кундузда эса хорижий инвестиция иштирокидаги "Урганч-ёғ" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўз ютуқларини тобора мустаҳкамлаб, янада улуғ мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқда, аниқроғи, эл фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этмоқда. Жалақудуқ туманида ташкил этилган «Обиджон» фермер хўжалиги ҳам ана шундай иқтисоди бақувват корхоналардан бири.

Нияти улуғ фермер

Бу қишлоқ хўжалиги корхонаси асосан чорвачиликка ихтисослашган. 28 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу фермер хўжалигида ҳозирда 350 бош қорамол парваришланмоқда. Ўтган йили жамоа аъзолари самарали натижаларни қўлга киритдилар.

— Хўжалигимиз аъзолари бу йил 90 тонна сут ва 10 тонна гўшт етиштиришмоқчи, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Обиджон Мадумаров. — Келажакда соф фойдамиз ҳисобига чорвачилик тармоқларини кенгайтириш ниятимиз бор. Жумладан, сутни қайта ишлашга мўлжалланган цех қуришни ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштираяпмиз.

СУРАТЛАРДА: фермер хўжалиги раҳбари Обиджон Мадумаров; сут соғувчилар Феруза Азимова, Салимахон Маматова ҳамда иш юритувчи Атхамжон Матмусаев.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бир мавзуга уч хил назар

Газетамизнинг шу йил 1 апрель сонида "Шерикликка хиёнат" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Нукус туманидаги "Персей" номли Ўзбекистон — Россия — Литва қўшма корхонаси таъсисчиларидан бири — "Анҳор" хусусий фирмаси раҳбари Араббой Усмонов ва бош бухгалтер Байрамбек Алимбетов бошқа таъсисчилардан яширинча турли қонунбузарликларга қўл урриб, уни таназзулга учратишгани тўғрисида сўз юритилганди. Шу муносабат билан тегишли ташкилотлардан расмий жавоблар олдик.

Акс-садо

— Нукус тумани давлат солиқ инспекцияси, — *деб ёзади Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Х.АЗИЗОВ,* — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига мурожаат қилиб, "Славяне" корхонаси таъсисчилигида ташкил топган "Персей" қўшма корхонасини банкрот деб эътироф этишни сўраган. Суднинг 2005 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган ва "Персей" соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилган. Корхонанинг мол-мулки мавжудлиги аниқланган, хўжалик судининг бултур 21 декабрдаги ажримига биноан, уни тугатишга доир ишларни олиб бориш умумий тартибда амалга оширилиши белгиланган. Бу ҳал қилув қарори ва ажрим жорий йилнинг 6 феврали куни ишни Олий хўжалик судида "Славяне" корхонасининг кассация шикояти асосида кўриб чиқиш жараёнида бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун Хоразм вилояти хўжалик судига юборилган. Мазкур вилоят хўжалик судининг 17 апрелдаги ажримига кўра, солиқ инспекцияси томонидан қарздорнинг қарзларини ундириш чоралари кўрилмагани, қўшма корхонага нисбатан банкротликнинг соддалаштирилган тартибини қўллаб бўлмаслиги сабабли, "Персей"ни банкрот деб эътироф этиш бўйича иш кўрилмасдан қолдирилган. Яъни, қўшма корхона банкрот деб топилмаган.

— ...Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Малака комиссиясининг 2006 йил 18 апрелдаги йиғилишида, — *дейилади Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Р.КАРИМОВ имзо чеккан хатда,* — Нукус шаҳар нотариал идораси нотариуси К.Қайпназарованинг ноқонуний ҳаракатлари муҳокама этилди. Гаров шартномасини расмийлаштиришда қонун талабларини қўпол равишда бузгани учун, комиссия қарорига мувофиқ, унинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинди. Айни пайтда адлия идоралари томонидан "Славяне" вакили Т.Зухриддиновга ноқонуний гаровга олинган "Персей" қўшма корхонасининг мулкларини ва унга етказилган зарарларни, шу жумладан, бой берилган фойдани ТИФ Миллий банкининг Қорақалпоғистон филиали ва бошқалардан ундириш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Таҳририятимизга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки раиси ўринбосари Б.НУРУЛЛАЕВ номидан келган расмий жавоб эса аввалги фикрлардан бирмунча фарқ қилади:

— Хусусий тадбиркор Алимбетов Байрамбек ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Нукус бўлими ўртасида 2003 йил 5 февралда тузилган 651-сонли шартномага асосан, ушбу мижозга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкларда кредитлар бериш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида 40 миллион сўм кредит ажратилган. Ушбу кредит учун таъминот сифатида "Персей" қўшма корхонасига тегишли мол-мулклар Фуқаролик кодексининг 271-моддасига мувофиқ ўрнатилган тартибларда Давлат нотариал идорасида гаров шартномаси орқали расмийлаштирилган. "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасига биноан, ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида Давлат нотариал идоралари ходимлари томонидан ҳаракатларни амалга оширувчи томонларнинг лаёқатлилиги ва қонуний ҳуқуқлари текширилганидан кейингина амалга оширилади. Ушбу Қонуннинг 38-моддасига биноан эса, тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган ҳолатларда Давлат нотариуси ҳаракатларни амалга оширишни рад этиши лозим. Банк томонидан берилган кредит учун гаров таъминоти сифатида қарз олувчи тақдим этган "Персей" қўшма корхонасининг мол-мулклари гаров шартномаси асосида ҳужжатлаштирилиб, Давлат нотариал идораси томонидан ва Кўчмас мулкларни давлат ҳисобидан ўтказиш кадастр хизматида рўйхатга олинган.

31 май — Бутунжаҳон кашандаликка қарши кураш куни

НЕГА ЧЕКАСАН, АЁЛ?

Эътибор берганмисиз, хиёбонда ўтирган уч-тўрт қиз қўлларида сигарет тутиб, алланималар ҳақида суҳбатлашмоқда. Яхши кийинган, ҳусни ҳам бинойидек. Оғиз-бурунларидан чиқаётган тутунлардан турли шакл ясаб, кўнгилларини хушлашмоқда. Атрофдагиларнинг ҳайратли ва ташвишли нигоҳлари уларни ҳечам таажжубга солмайди. Сигаретнинг бурқсиган тутунига маҳлиё бўлиб ўтирган дугоналар қўлларида тутаб, тугаб бораётган сигаретга ўхшаб ёш умрлари ҳам хазон бўлиб бораётганлигини шу лаҳзада ўйлашмайди ҳам.

Минг таассуфлар бўлсинки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида чекувчи эркаклар сони тобора камайиб бораётган бир пайтда кашандалик аёллар ва ўсмир қизлар орасида ортиб бормоқда. Биргина АҚШда сўнгги 20 йил ичида чекувчи эркаклар сони 50 фоизга камайган бўлса, аёллар ўртасида бу кўрсаткич бирмунча ортган. Илгари Тошкент кўчаларида сигарет тутатиб юрган аёлларни учратмас эдик. Бугунга келиб ёш қизларимиз кўчаларда, айниқса, сайлгоҳларда, хиёбонларда бемалол сигарет чекиб юрганига гувоҳ бўлаяпмиз. Хўш, уларнинг "кашандалик", деган қора иллатга бу қадар ўрганишига сабаб нима?

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда кузатадиган бўлсак, аёллар, айниқса, ёш қизлар орасида сигарет чекиш анча урфга айланаётганига гувоҳ бўламиз, — дейди биз билан суҳбатда тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Алижон АМИНОВ. — Чекиш баъзиларда шунчаки эрмак, олифтагарчиликка бўлса, баъзилар чекиш ишлаш қобилиятини оширади, диққат-эътиборни бир жойга жамлашга, кайфиятни кўтаришга ёрдам беради, хафачиликни ёзади, одамга роҳат бахш этади, деган фикрга ишонишади. Агар биз чекувчини кузатсак, тўғри, у чекиб бўлгач, ўзини енгил ҳис қилади. Бироқ кўп ўтмай яна сигарет чекади. У ўзини яна енгил ҳис қилади, яна ишга киришади. Энди чекилган сигареталар сони ортиб, борган сари кашанданинг ҳар бир чеккан сигаретдан енгил ҳис қилиш муддати ҳам қисқариб бораверади. Шу боис, аввал, шунчаки эрмак, кейин замонавий кўриниш учун қайсидир чет эл фильми қаҳрамонига тақлид қилган аёл сигарет заҳридан буткул ҳолдан тояди, саломатлигини йўқотади.

Олимлар ўнинчи синфни битирган 256 нафар ёш йигитдан сўрашганда, 33 фоиз болалар қизларнинг чекишини маъқулласа, 54,3 фоизи бефарқ эканлигини айтиб ўтганлар. Аммо "Сен чекувчи қизга уйланасанми?" деб сўралганда, 256 нафар боланинг 254 таси, яъни 99,9 фоизи "йўқ", деб жавоб берган. Кашанда қизлардан сигарет чекишининг сабаби сўралганда эса, "Биз йигитларимиз билан доимо бирга сигарет чекиб юрамиз. Шу сигарет чекишимиз билан уларга кўпроқ ёқамиз" деган фикрни билдиришган. Аммо жаноблардан кўриниб турибдики, бу фикр мутлақо нотўғри.

Маълумки, барча аёллар ёшликларини узоқроқ сақлашга ва жозибали бўлишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг кўпчилиги тамаки чекиш аёлларда бўлган латофат, иффат, жозиба ва хуснинг йўқолишига сабаб бўлишини билмайдилар. Бу ҳақда А. Аминов шундай дейди:

— Чекиш таъсирида аёл юз терисининг табиий ранги ўзгариб, сарғиш тусни эгаллай бошлайди. Тери таранглигини йўқота бориб ғадир-будур ажинлар пайдо бўлади. Улар кундан-кунга кўпайиб, даҳаллашиб бораверади. Чекувчи аёллар ўз ёшларидан каттароқ кўринишади, тишлар сигарет тутуни таъсирида сарғайиб кетади. Тиш эмали жароҳатланиб, тишлар нурай бошлайди. Оғизларидан нохуш ҳидлар чиқиб, атрофдагиларга ёмон таъсир қилади. Чекувчи қиз ва аёлларнинг феъл-атворида катта ўзгаришлар юзага келади. Улар жаҳлдор, қизиққон, жанжалкаш, қўпол бўлиб қолишади.

Яна бир гап. Ҳозирги кунда меҳнатга яроқсиз бўлиб қолишнинг асосий сабабчиси — тамаки чекиш ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, тамаки чекиш ҳар йили 500 минг кишини ўлимга маҳкум қилар экан. Шунингдек, аёллар организми тамаки тутунидаги заҳарли моддалар таъсирига эркакларга қараганда кучлироқ мубтало бўлиб, чекишга тезроқ ўрганар эканлар. Аёл организмида кетма-кет чекилган сигаретдан қонга ўтган никотин миқдори эркаклар қонидаги никотин миқдоридан юқори бўлади. Шу боис уларга бу ҳалокатли одатларини ташлаш эркакларга қараганда мушкулроқдир. Кузатувларга кўра, кўпчилик мамлакатларда 50 фоиздан ортиқ эркаклар бир кеча-кундуз мобайнида 15 дона сигарет чексалар, аёллар 10 донадан 50 донагача сигарет чекишлари мумкин экан.

— Мана шу сабабларга кўра, аёл организмидаги сигаретнинг ҳалокатли таъсири натижасида ўта хавфли касалликлардан юрак қон томири, нафас олиш, асаб, овқат ҳазм қилиш, эндокрин аъзоларида касалликлар вужудга келади, — дейди суҳбатдошимиз. — Аниқланишича, ўпка раки ва эмфиземанинг пайдо бўлиши сабаблари орасида чекиш 90 фоизни ташкил қилади. Кашандалик юрак қон-томир касалликларининг пайдо бўлишида ҳам асосий ўрин эгаллайди. Япония олимлари махсус усулда бир йил мобайнида итларга сигарет чектиришганда, ҳар куни 2,5 та сигарет чеккан итлар юрак шоҳ қон томирларининг биттасида торайиш, 3,5 та сигарет чекканда ҳар учала шоҳ томирида торайиш пайдо бўлишини исботлаган. Энди ўпка ракига келсак. У аёллар орасида сўнгги 40 йил ичида шитоб билан ошиб бораяпти. Бу ҳам асосан чекишнинг салбий оқибатларидандир.

Далиллардан кўриниб турибдики, чекиш инсон саломатлиги учун хавфли. Айниқса, аёлларнинг соғлиғи учун! Чунки суҳбатдошимиз афсус билан таъкидлаганидек, сигарет чекиш ҳомиладор аёлларга жуда тез таъсир қилади. Унинг қони орқали тамаки тутунидаги заҳарли моддалар болага ўтади ва уни заҳарлай бошлайди. Ҳомилага бу заҳарлар ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан, соф ҳолатда етиб боради. Натижада кўп ҳолларда ҳомила нобуд бўлади. Ана шундай -кўнгилхираликлар бўлмаслиги учун, ўрни келганда, азиз опа-сингилларимизга яна бир бор маслаҳат беришни лозим топдик.

Навниҳол умрингиз ва туғилажак фарзандингиз соғлиғини лаҳзалик кайфу сафони деб сигарета тутунига қўшиб ҳавога пуфлаб юборманг. Ҳар ҳолда биринчи галда оилангиз, қолаверса, жамият олдидаги бурчингиз ҳақида жиддий ўйлаб кўринг. Зеро, жамият саломатлиги сизнинг соғлиғингиз билан белгиланади. Хўш, энди айтинг-чи, ўзингизга, саломатлиғингизга қарши чекишга иштиёқингиз борми?

Зиёда АШУРОВА.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар саккиз сонияда тамаки чекишдан кимдир дунёдан кўз юмади.

***

Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тиббиёт профилактикаси илмий-тадқиқот маркази томонидан сигарет чекиш оқибатида 14 та оғир касалликнинг вужудга келиши аниқланган.

***

1934 йили Ницца шаҳрида бир гуруҳ ёшлар «Бир ўтиришда ким кўп сигарет чекади» деб мусобақалашишган. Уларнинг орасида икки йигит тўхтовсиз 60 донадан папирос чеккандан сўнг иккаласи ҳам никотиндан заҳарланиб ўлган.

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

сизларни 2006 йил 3 июнь соат 10.00да «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунига таклиф этади.

Ташрифингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Манзилимиз: «Ўзбекистон» шоҳкўчаси 49-уй, 2-ўқув биноси.
Маълумот учун телефонлар: 132-64-21, 132-60-03, 132-63-47.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

«Она ва бола скрининги» давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патология ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамда уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш учун қуйидаги дори-дармонларга

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ УЗАЙТИРАДИ:

- таркибида йод моддалари бўлган дори-дармонлар;
- таркибида тиреоид моддалари бўлган дори-дармонлар.

Мазкур лойиҳа доирасида тендерга эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок қилишга таклиф этилади.

Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз сўралади:
700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Охунбобоев к., 15-уй.
Факс: (+998 71) 133-89-49. Тел.: (+998 71) 132-00-82/83. E-mail: fondsau@uzsci.net
Алоқадор шахс — Людмила Абдуллаева.
Тендер таклифлари бўйича охирги муддат — 2006 йил 14 июнь соат 15.30гача.
Тендер ҳужжатларининг тўпламини очиш 2006 йил 14 июнь соат 16.30да (Тошкент вақти билан) «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг конференц-залида амалга оширилади.

МТС UZDUNROBITA first cellular

SUPER

ТАРИФ РЕЖАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА КИРУВЧИ АЛОҚА БЕПУЛ

СУПЕРМУЛОҚОТ УЧУН СУПЕРТАКЛИФ!

«Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Португалияда (TMN), Камбожада (CAMSHIN), Панамада (Cable&Wireless), Болгарияда (BTC Mobile (Vivatel)) ишга туширилди.

«Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро GPRS-роуминг хизмати Покистонда (Telenor), Бельгияда (Belgacom Mobile (Proximus)) ишга туширилди.

Батафсил маълумот www.uzdunrobita.uz сайтида. wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензияланган
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

TURONIMPEKS SERVIS

Fliegl Fahrzeugbau GmbH (Германия) ширкатининг Ўзбекистондаги РАСМИЙ ВАКИЛИ сизга Fliegl Trailer русумидаги замонавий тиркагичлар, ярим тиркагичлар ва музлаттичли тиркагичларни Европадан таклиф этади.
Буюртмангиз ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланади.

Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Кунаев к., 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Факс: + 998 71 150-66-30.
www.fliegl.com

Маҳсулот сертификатланган.

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли
Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 16. Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН
ТАБИИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.

- Қандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» қўшимчаси турли хилдаги печенье, вафли, кекс ва рулетларни ишлаб чиқариш учун.
- Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси бисквит, рулет, торт, пирожний, крем ишлаб чиқариш учун.

Бу қўшимчалардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:
- тайёр маҳсулот нархининг пасайтирилишига;
- ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ва енгиллаштиришга;
- маҳсулот таъми, кўриниши ва ҳажмини оширишга;
- ишлатиш муддатини ошириб, қотиб қолишга ва пўканаклашга йўл қўймасликка.

Ҳар хил шароитда ва турли ускуналарда қўлланиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: ООО «S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES», Тошкент шаҳри, «Катортол» кўчаси, 60. Тел.: 173-53-56, факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz



Бу бекатнинг бир номи СОҒИНЧ, ошқа бири ВАТАН аталур

Баъзан одамнинг юраги тарс ёрилгудек бўлади...

... Қалдирғочлар «вижир-вижир» қилди. Шаррос ёмғир қуйди. Тарновлар унга зўрға дош берди. У қандай тез бошланган бўлса, яна бир зумда тиниб қолди. Чумчуқлар чириллаб юборди. Султонҳовуз томонда найкамалак кўринди.

Шуларни кўриб, нахотки, шодланиб кетмаса бу одам? Бу одамнинг юраги бунчалар тош бўлмаса!

Баъзан кимнингдир музқаймоқ қоғозини боягина супурилган ерга ташлаб кетгани алам қилади одамга... Беда гуллаб ўроққа келди. Талғи эса ўрик новдасига суяб қўйилган. Бир йилдан буён у зангга ем бўлмоқда. Пиёлага чой қуяди. Эриниб хўплайди. Биқинига ёстиқ тортади. Эриниб эснайди. Эриниб уйқуга кетади. Уйқудан чарчаб уйғонади. Картошкани қўнғиз босиб кетган. У буни билади. Била туриб эснашга зўр беради.

* * *

... Боёвутлик Абдуқаюм ака кўпинча ариқ бўйларига, йўл ёқаларига терак, тол новдаларини суқиб юради. «Нега бундай қиларкин?» деб кўпчилик ҳайрон ҳам бўлиб қўяди. Кичик жуссали эди Абдуқаюм ака деганларимиз. Баъзида уни калака ҳам қилишарди. Мазах қилишарди гоҳи-гоҳида. Қўли юпқа бўлганлиги учун хизматга уч чақирим йўлни пиёда босиб борарди. Чойхона паловларга қўшилмаганлиги учун таъналарга дучор бўларди бояқиш. Жеркиб ташлашсада, жилмайиб турарди бу хокисор одам.

Унинг тераклари шовуллаб ўсди. Одамлар уларни қирқиб иморатлар қуришди. Толлари гуркураб кўкка бўй чўзди. Унинг шохлари билан томларнинг устини ёпишди, устунлар қилишди. Қишга тараддуд кўришни Абдуқаюм акадан ўрганиш керак. Кўклам тараддуддан иборат. Ёз тараддуддан иборат. Хизматдан бўш пайтлари қўлидан кетмон тушмайди. Кўни-қўшниси ҳашарга айтмаган кунлари қўлида қайчи яраклайди. Ҳа, айтгандай, ҳашар дедик. Абдуқаюм аканинг ҳашарга айтилмаган кунлари камдан-кам бўлади. Абдуқаюм аканинг ярим умри ҳашарда ўтади. Ялинтирмайди. Унга бир оғиз гап, бир ишора кифоя.

Қоплардаги жийда, ёнғоқ, қоқи ва сирлари кўчиб кетган иккита сандиқдаги анорлари унинг қиш кўксига санчиладиган ўқлари ҳисобланади. Абдуқаюм аканинг бир этак боласи бор. Чумчуқдан эрта уйғонади бу одам. Бу одам чумчуқдан ҳам бесаранжон.

Дунёда Абдуқаюм акалар борлигидан хурсанд бўлиб кетасан, баъзида...

Ҳатто асаларилар ҳам қўнса қўниб, қўнмаса ёнидан шундай ўтиб кетадиган бир гул бор. Бу гулнинг нимтатир бўйи бор. У қуёш деб яшайди. Қуёш деб нафас олади. Бу гулга ёмғир суви кифоя. Бу гул қиш чопонини ечиб улгурмасдан кунгай тепаликларда, йўл четларида қиқирлаб юборади. Ҳамма гуллардан олдин очилади. У қиқирладими, бас: кўклам яқин. У кулдими, кўнглингиз дарвозасини кўклам шабадалари силаб-сийпалаётган бўлади. Бу гул чучмомалардан саломлар келтиради. Бойчечак билан шерик бўлиб кўкламни етаклаб келади. Каромати яхшиликдир унинг. Хосияти эзгуликдир унинг. Бу гулнинг номи қоқигулдир.

Публицистика

Тортиниб-тортиниб, ўйланиб-ўйланиб Абдуқаюм акаларни қоқигулга ўхшатаман.

* * *

... Шундай бўладики, тўкин дастурхонлардан туриб кетгинг келади. Давралардан қочиб кетгинг келади. Дастурхон атрофидагиларга «Бўлди, энди сизлар менга бегонасизлар...»дегинг келади. Гийбат, майдакашлик, ҳасаднинг сассиқ алафлари юрагингни ўйиб ташлайди. Қулоқлар қоматга келади. Даврада йўқ одам лойга беланади. Даврада йўқ одамнинг юзларига кўплашиб балчиқ суриладди. Гурунг қизийди. Гурунг аланга олади.

Бирдан ўша одам келиб қолади. Ўша одамнинг даврадаги гаплардан умуман хабари йўқ. Унинг кўзларида кулги бор. Кулги юзларини ҳам ўраб-чирмаб олган. Қўлтиғида катта босволди қовун. У энтикади. Энтикиб-энтикиб кечикканлигини изоҳлайди. «Янгийўлга шу қовун учун бориб келдим. Оғизларинг тегсин, гулли дока рўмоллари ёзилган. Тутнинг устига чиқиб олган холамиз шохларни силкийди. Рўмол устига дув-дув тут тўкилади. Ҳар тутки, катта одамнинг бошмалдоғидек келади. Тутнинг ширасидан қўлларимиз доғ. Оғизларимиз доғ. Тутнинг баланд шохида ўтирган холамиз барглар орасидан кўриниб-кўринмайди. Овозларини эшитамиз: «Ўзим айланай, сизлардан... Ўзим гиргиттон бўлай, сизларга...»

Эгни-бошимизни кўриб, гоҳо оналаримиз бизни қойийди. Гоҳо бу қойишлардан йиғлаб ҳам оламиз. Тонгда эса кечаги гапларни унутиб, Қурбоной холамнинг танаси букри одамни эслатувчи пайванд тути остига йиғилиб қолганимизни билмаймиз.

Бизларни жонидан ҳам ортиқ кўрадиган Қурбоной холамиз оламдан ўтганига йигирма йилдан ошди. Қалдирғочларга уйининг деразаларини ланг очадиган холамизнинг вафотидан буён йигирма қовун пишиғи ўтди. Неварам Урол Ўзбекни етаклаб ўша тутнинг тагига бораман. У Қурбоной холамни билмайди. Билмаса ҳам унинг тутидан ҳафсала билан теради. Мен тутнинг баланд шохларига тикилиб қоламан. «Сизлардан ўзим айланиб юрай...» Бу товуш баргларнинг орасидан келади. Бу овоз шохлардан сирғалиб пастга тушади.

* * *

Шундай бўладики, тайинли бир сабабсиз одамнинг кўнгли шамдай эриб кетади, баъзан...

... Энди сизни Андижонга олиб бормайман. Сизни Андижонга олиб борсам... Бу жувонлар темир йўл бекатида иссиқ нон сотишади. Бу холалар мана шу бекатда йўловчиларга угра ош таклиф қилишади. Бу аёллар иккита иссиқ нон билан қўлингизга гўжа тутишади. Поезд Андижонга ҳансираб боради. Поезд Андижонга шошиб боради. Бу аёллар поезддан ҳам кўпроқ сизу бизни кутишади. Ким билсин, эҳтимол, улар туни билан нон ёпиб чиқишгандир? Ким билсин, балки улар туни билан мижжа қоқишмагандир? «Пул бўлгач, тиллари ҳам бийрон бўлиб кетади-да. Тиллари бийрон бўлмаса, одамлар пул тўлашармиди...» дедингиз сиз ўшанда. Мен қотиб қолдим. Мен сизни Андижонга олиб борганлигим учун афсусландим. Мен ўрта ёшли бир аёлга яқинлашиб, «Холажон, поездда пулимни йўқотиб қўйдим. Яна келишимда сизни рози қиламан» дея ёлғонладим. Аёл шошиб қолди. Шошиб-шошиб косага угра қуйди. Шу шошган қўйи қўлимга бир жуфт иссиқ нон тутқазди. «Вой, ўғлим-эй, сира хижолат бўлманг. Мана бу жойга ўтиринг. Мана, қошиқ. Мана, курси...» Аёл атрофимда парвона бўларди. Борар манзилимни суриштирарди. Уйлари кенг-мўллигини айтиб, жой бўлмаса, ўзларникига боришимни тинмай ҳўтирарди.

Сиз бир четда жим турардингиз. Лол турардингиз.

* * *

Ховос, Янгиер, Гулистон, Боёвутнинг йўл четларида тераклар ўсиб ётибди. Мажнунтоллар ўсиб ётибди. Уларнинг айримларини Абдуқаюм ака эккан. Гилослар ўсиб ётибди. Уларнинг баъзиларини ҳам шу одам ўтказган. Апрелнинг бошларида у кишини йўлда учратиб қолдим. Қўлларида латта халта. Ичида иккита нон бор. Кейин бир қарич, бир қаричлик новдалар бор. Мен унга қўлтиғида оғайнилари учун босволди қовун кўтариб юрадиган одам ҳақида гапириб бердим. Ишонасизми, бу одамни Абдуқаюм ака танийман, деб туриб олди. Босволди қовун кўтариб юрадиган одам Тошкент томонда, сиз чўлда яшасангиз, айтингчи, у кишини қаёқдан ҳам танийсиз, дея қитмирлик қилдим. У ўзини йўқотмади. Оғайнилари учун узоқ йўлдан қовун кўтариб келадиган киши ёмон одам бўлмаслигини менга тушунтира бошлади. Унинг гапи менга юкди. Кўнглимга сўзлари малҳам бўлди. Ўзимча завқландим. Бир давра жўр бўлиб кимнидир мазамат қилаяпти. Ўша кимдир эса ана шу кимсаларга қовун кўтариб бораяпти. Мен унга Қурбоной холамни ҳам гапириб бердим. Ҳадемай холамнинг тути пишиши тўғрисида сўзладим. Абдуқаюм аканинг тут ейишга келишини сўрадим. Қовун кўтариб юрган одамни ҳам чақиришимни айтдим. Акам хурсанд бўлди. «Ўша одамнинг яшаш жойини аниқ биласизми?» дегандек менга тикилди. Биламан, дегандек бошимни қимирлатдим. Абдуқаюм ака, босволди кўтариб юрган одам, Урол Ўзбек Қурбоной холамнинг тутидан бирга танаввул қиладиган бўлдик. Тутга тўйгач, тунги поезд билан Андижонга борамиз, деб ўзимча хаёл ҳам қилдим. Поезд ўша томонга шошиб боради. Энтикиб боради. Темир йўл бекатида эса юзлари офтоб аёллар бизларга қўлларида гўжа тўлдирилган косалар кўтариб чиқишади. Ўша бекат соғинч бекати бўлади. Соғинч бекатида бизлар бир-биримизни яна қайта топамиз. Фақат буни ғийбатчи, майдакаш одамларнинг биронтасига ҳам гапириб бермаймиз.

Чалғиларини зангга ем қилган, йўнғичқаларни ғовлатиб юборган кимсалар бунақанги гапларни тушунишмайди. Улар эснаш билан овора бўлиб умрларини ўтказиб юраверишади.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

«Самарқанд — Динамо»нинг мухлисларига навбатдаги «совға»си

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионатининг 11-тур учрашувлари якунланди.



Мамлакатимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» Зарафшонда «Қизилқум»ни қийинчилик билан мағлубиятга учратди(1:0). Чемпионатда медаллар учун курашаётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси «Локомотив» устидан 4:1 ҳисобида ишончли ғалаба қозонди. «Андижон» жамоаси ҳам ўзининг ғалабалар сериясини давом эттирмоқда. Бу турда водийлик футболчилар сафарда «Хоразм» дарвозасига жавобсиз учта тўп йўлладилар. Самарқанд вилоятининг олий лигадаги ягона жамоаси эса ўз мухлисларини яна ранжитди. Ўтган турда «Нефтчи»га йирик ҳисобда имкониятни бой берган «Самарқанд — Динамо» ўн биринчи турда ўз майдонида ўйнашига қарамай, «Трактор»дан 0:1 ҳисобида енгилди. Мавсумни суст ўтказаётган Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳам «Бухоро»дан 0:3 ҳисобида қақшатқич зарбага учради. Ўн биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Шўртан» 3:2, «Металлург» — «Нефтчи» 2:1, «Навбаҳор» — «Тўпаланг» 1:0.

11-турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	11	10	1	0	25-2	31
«Насаф»	11	8	1	2	22-13	25
«Машъал»	10	7	2	1	18-5	23
«Нефтчи»	11	7	1	3	22-11	22
«Бухоро»	11	6	0	5	18-11	18
«Андижон»	11	5	2	4	20-13	17
«Трактор»	11	5	2	4	12-14	17
«Навбаҳор»	11	4	4	3	12-10	16
«Тўпаланг»	10	4	2	4	13-11	14
«Қизилқум»	11	3	3	5	14-18	12
«Локомотив»	11	3	3	5	10-21	12
«Металлург»	11	3	3	5	13-13	12
«Шўртан»	11	3	1	7	8-14	10
«Самарқанд-Д»	11	3	1	7	5-16	10
«Сўғдиёна»	11	1	2	8	5-17	5
«Хоразм»	11	0	2	9	4-29	2

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ҳайрат ул-аброр» лотин имлосида

Янги китоблар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси 2005 йилдан бошлаб лотин имлосидаги ёзувга ўрганган ёшларни буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларидан баҳраманд этишдек хайрли хизматга бел боғлашди. Ўқувчи ва талабаларга Алишер Навоий ғазалиёти гулдастаси — «Вафо қилсанг» китоби ўтган йили 10 минг нусхада чоп этилди.

Ижодкорларнинг бу йилги режалари янада жиддий ва ўта қамровлидир. Мақсадимиз — ўқувчи ва талабаларга, умуман, ёшларга Алишер Навоийнинг «Хамса» достонларини беш йирик китоб ҳолида тақдим этишдан иборат. Бу ижодий ишга соҳа билимдонлари — академик Азиз Қаюмов, фан докторлари, профессорлар — Саидбек Ҳасанов, Мавжуда Ҳамидова ва адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновлар жалб этилган.

Куни кеча «Хамса»нинг сардафтари — «Ҳайрат ул-аброр» достони 26 нашр тобоқ ҳажмида босилиб чиқди. Икки китобни, яъни достоннинг асл шеърий матни ва насрий баёнини мукаммал ҳолатда ўз ичига олган бу нашр аввалги нашрлардан талай фарқларга эга. «Ҳайрат-ул-аброр» достони Азиз Қаюмов илмий раҳбарлигида нашрга ҳозирланди. Асарнинг Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матни В. Раҳмонов томонидан нашрга тайёрланди. Достоннинг насрий баёни устида профессор А. Ҳайитметов ишлаган.

«Хамса»нинг мазкур достони китоб бўлиб шаклланишида ҳамда оҳорли бичим ва гўзал мумтоз қиёфа топишида мусаввирлар Анатолий Бобров ва Баҳодир Жалолов бор имкониятларини ишга солишган. «Ҳайрат ул-аброр»га ишланган мумтоз миниатюралар китоб кўркига-кўрк қўшган.

Яқин кунларда «Хамса» туркумидаги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари ҳам пешма-пеш ўқувчиларга тақдим этилади.

Назира ЖЎРАЕВА,
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири.

Қирқ йилдан сўнг

Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Навоий номли 1-ўрта мактабида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Нафақадаги устозлардан Салима Қаҳҳорова, Юсуф Содиқов, Раҳмонберди Беков, Саиджон Абдураҳмонов ва бошқаларга бундан 40 йил олдин шу мактабни тугатиб чиққан собиқ ўқувчилар шогирдлик тухфалари тақдим этдилар.

Ушбу синфнинг собиқ раҳбари — ҳозирда пенсияда бўлиб, Қримда яшаётган Желя Умеровна Ипчиннинг телефон орқали 60 ёш бўсағасидаги ўқувчиларини самимий қутлови барчани тўлқинлантирди. Синфдошлар номидан сўзга чиққан «Адолат» нашриёти директори Маҳмуд Сатторов мактаб кутубхонасига ҳуқуқий адабиётлар тўплами ҳамда ўз муаллифлигидаги китоблардан намуналар ҳадя этди.

40 йил олдинги синфдошлар орасидан чиққан бугуннинг ишбилармон-тадбиркорлари Зариф Бурҳонов, Мейлик Бурҳонов, Абдураҳмон Ашуров ва бошқалар мазкур мактабнинг битирувчи синфлари ўқувчиларига институт ва коллежлар талабалигига контракт шартномалари тўловига ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Д. ИСАМУҲАМЕДОВА.

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ELUS
НАУЧНО-ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ,
являющееся специализированным предприятием по производству высоковольтного оборудования, принимает заказы на изготовление:



- ТРАНСФОРМАТОРОВ силовых масляных (2- и 3-обмоточных) мощностью от 25 кВА до 25000 кВА на напряжение 6-10 кВ, 35 кВ, 110 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ столбовых типа КТПс мощностью от 25 кВА до 250 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- ГОРОДСКИХ КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа ГКТП (2 ГКТП) мощностью от 160 кВА до 630 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа КТП (2 КТП) мощностью от 250 кВА до 2500 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КРУН-10 (КРУВ-10) типа К-59 МЭ;
- КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КМ-1Ф (М); К-104 МЭ с вакуумным выключателем;
- КАМЕР СБОРНЫХ серии КСО различных модификаций;
- РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РВО и РЛНД на 10 кВ (200 А, 400 А, 630 А);
- РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РДЗ на 35 кВ, 110 кВ, 220 кВ, (1000 А, 2000 А);
- ЗАЗЕМЛИТЕЛЯ ЗОН-110 (М), блоков С-35 на напряжение 35 кВ;
- ТРАНСФОРМАТОРОВ однофазных ОМП мощностью от 1,25 до 10 кВА на напряжение 6-10 кВА;
- ТРАНСФОРМАТОРОВ тока ТФЗМ-35 кВ, ТФЗМ-110 кВ, ТФЗМ-220 кВ.

НА ВЫПУСКАЕМУЮ ПРОДУКЦИЮ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ.

Аттестат аккредитации испытательной лаборатории (центра) № UZ.AMT.07.MAI.525 от 2.09.2005 г.

Готовы рассмотреть любые ваши предложения по поставкам низковольтного и высоковольтного оборудования.

На поставляемую продукцию предоставляется гарантия. Предприятие располагает собственным конструкторским бюро и аккредитованным испытательным центром по проведению сертификационных испытаний.

ТОВАР ПОД ЗАКАЗ

Адрес Ташкентского представительства НПП «ЭЛУС»: г. Ташкент, ул. Муртазаева, 8. Тел.: 134-17-12, 134-97-16. Факс 134-17-20.

Адрес завода: г. Чирчиқ, Юмалақ, ул. Рамазан, 109 а. Тел. (8-271) 3-05-82. Факс (8-271) 3-05-83.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси мазкур қўмита аъзоси, сенатор Светлана Ивановна Герасимовага онаси
Елена Яковлевна ГЕРАСИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» ТРК продюссери Зокир Қаюмовга волидаи муҳтарамаси
РОБИЯХОН аянинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши компаниянинг «Кўприкқурилиш» трести бошқарувчиси Ғафуржон Муҳамедовга волидаи муҳтарамаси
САНОБАР аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари Баҳодир Рўзметовга отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими
Нурмамат РЎЗМЕТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси раисининг ўринбосари Баҳодир Рўзметовга падари бузруквори, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан қишлоқ хўжалик ходими
Нурмамат ота РЎЗМЕТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Молия-иқтисодиёт бўлимининг 1-тоифали мутахассиси Феруза Толиповага падари бузруквори
МАҲМУД отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Кўприкқурилиш» трестига қарашли 67-кўприк қурилиш отряди жамоаси трест бошқарувчиси Ғафуржон Муҳамедовга онаси
САНОБАР аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456